

# Тошкент яна бир нуфузли халқаро анжуманни қабул қилади



2022 йилнинг 3-4 март кунлари пойтахтимизда “БМТ Глобал аксилтеррор стратегияси (ГАТС)ни амалга ошириш бўйича Қўшма ҳаракатлар режаси (ҚХР) доирасида Марказий Осиё малакатларининг минтақавий ҳамкорлиги” мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтади.

Хорижий шериклар томонидан кенг қўламда қўллаб-қувватланаётган ушбу муҳим воқеа Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида илгари сурилган ташаббуснинг амалий ифодасига айланади ва Марказий Осиёда БМТ Глобал аксилтеррор стратегиясини амалга оширишда минтақа давлатлари ва жаҳон ҳамжамияти саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга салмоқли ҳисса қўшади.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Ташқи ишлар вазирлиги, БМТ тузилмалари - Террорчиликка қарши кураш бошқармаси ва Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий марказ ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти томонидан ташкил этилмоқда.

Гибрид форматда ўтадиган анжуманда ХХР, Россия, АҚШ, Европа Иттифоқи давлатлари, Марказий ва Жанубий Осиё, Яқин Шарқ ҳамда бошқа минтақалар мамлакатларидан 600 нафарга яқин юқори мартабали шахс, миллий ва хорижий таҳлилий марказлар етакчи экспертлари, халқаро ва минтақавий ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари мутахассислари қатнашади.

Таклиф этилган меҳмонлар орасида БМТнинг аксилтеррор фаолиятини мувофиқлаштириш глобал шартномаси иштирокчилари, БМТ Хавфсизлик кенгашига доимий аъзо мамлакатлар ҳамда минтақадаги террорчиликка қарши фаолиятга донор мамлакатлар махсус вакиллари ҳам бўлади.

Анжуманнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номидан мурожаатнома, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерришнинг видеомурожаати бўлиши кутилмоқда. Шунингдек, ЕХХТ Бош котиби Хельга Мария Шмид, БМТ Бош котиби ўринбосари, Террорчиликка қарши кураш бошқармаси бошлиғи Владимир Воронков, Бош котибнинг Марказий Осиё бўйича махсус вакили, Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий марказ раҳбари Наталья Герман, ШХТ Бош котиби Чжан Мин, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон делегациялари раҳбарларининг чиқиши ҳам режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси делегацияси таркибида ҳукумати аъзолари, Олий Мажлис палаталари ва қўмиталари раҳбарлари, вазирлик, идоралар, нодавлат ташкилотларнинг тегишли мутахассислари, таҳлилий марказлар ва олий ўқув юртлари етакчи тадқиқотчилари бор.

Конференцияда Марказий Осиё бўйича Қўшма ҳаракатлар режаси амалга оширилишининг 10 йиллик якуни сарҳисоб қилинади. Форум ушбу минтақада БМТ Глобал аксилтеррор стратегиясини амалга ошириш бўйича ноёб тажриба билан танишиш ҳамда ўн йиллик таҳлил, кўп томонлама маслаҳат ва консенсус асосида тайёрланган ҚХР янги таҳририни тасдиқлаш имконини беради. Хорижий иштирокчилар Ўзбекистон ва Марказий Осиёдаги бошқа давлатларнинг терроризмга қарши кураш борасидаги саъй-ҳаркати билан танишадилар.

**Анжуман доирасида Глобал аксилтеррор стратегияси тўртта йўналишининг ҳар бири бўйича секция йиғилишлари ўтказилади:**

- 1) Терроризмнинг тарқалишига олиб келадиган шароитларни бартараф этиш;**
- 2) Терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш чоралари;**
- 3) Терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича давлатлар салоҳиятини кучайтириш чоралари ва ушбу йўналишда БМТ тузилмалари ролини ошириш;**
- 4) Терроризмга қарши курашнинг фундаментал асоси сифатида инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигига нисбатан умумбашарий ҳурматни таъминлаш.**

Анжуманда Марказий Осиё давлатларининг БМТ ГАТСни амалга ошириш бўйича ҚХР доирасидаги ҳамкорлигини мустаҳкамлашда ШХТ МАТТнинг роли, жанговар ҳаракатлар давом этаётган ҳудудлардан қайтган аёллар ва болалар билан ишлашда гендер масалалари ҳамда терроризмга қарши кураш дастурларини молиявий қўллаб-қувватлашга доир алоҳида учта мавзу ҳам таҳлил этилади.

Мазкур тадбирлар ШХТ МАТТ, ЕХХТ, БМТ ТҚҚБ ва бошқа ҳамкорлар томонидан ташкил этилади.

Халқаро учрашувнинг якуний ҳужжати сифатида Тошкент декларацияси ва ҚХРнинг янги таҳрири қабул қилиниши кутиляпти. Ушбу ҳужжатлар билан Марказий Осиё мамлакатлари халқаро тинчлик ва хавфсизликка жиддий хавф солаётган терроризмга қарши биргаликда курашишга содиқликларини тасдиқлаб, яқин келажак учун аниқ вазифаларни белгилаб оладилар.

Тошкент декларацияси ва Қўшма ҳаракатлар режаси қоидалари илгари қабул қилинган ҳужжатлар - Терроризмга қарши курашиш тўғрисидаги Ашхобод декларацияси (2011, 2017 йиллар), Терроризмга етакловчи зўравон эстремизм ва радикаллашувга қарши курашишда ёшларнинг ролини ошириш тўғрисидаги Самарқанд декларацияси (2018 йил), “Терроризмга, уни молиялаштириш манбалари, жумладан гиёҳванд моддалар ноқонуний айланмаси ва уюшган жиноятчиликка қарши куршишда халқаро ва минтақавий ҳамкорлик” мавзусидаги олий даражали халқаро конференция якунлари бўйича Душанбе декларацияси (2019 йил)нинг изчил ва мантиқий давомидир.